O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 18 август, № 160 (4059) Жума



«ОЛТИН ҚАНОТ»ЛАРИМИЗ

Бир дўстим бор. Гурурли. Айниқса, у шу азиз тупроққа киндик қони тўкилганидан, илиқ офтоби-ю жаннатий сувларидан қувват олиб, камол топганидан фахрланган-фахрланган. Яқинда уни Тошкент аэропортида учратиб қолдим. У кўкка парвоз қилаётган улкан ҳаво лайнерларига туширилган ажиб товланувчи байроғимиз, унинг қоқ ўртаси бўйлаб ёзилган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ёзуви, самолётларимиз қанотларидаги давлатимиз тамғаси ҳақида завқ-шавқ билан гапира кетди.

— Биласанми, — деди у, — ҳар куни Тошкент ва вилоятлар марказларидаги аэропортлардан ўнлаб самолётлар дунёнинг турли сарҳадлари томон учади. Уларнинг қучоғида юртдошларимиз ҳам, хорижликлар ҳам бор. Самолётларимизда учаётган одамлар Ўзбекистон ҳақида озмунча тасаввур оладиларми? Бироқ мени қувонтиргани фақат шу эмас. Аслида фуқаролари осуда ҳаёт кечираётган, осмони мусаффо давлатда самолётлар ҳам эркин парвоз қилади.

Дўстим ҳақ. Мамлакатимизда ҳар жабҳада яратувчанлик, бунёдкорлик. Шу жумладан, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясида ҳам талай ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Албатта, бу эзгу ўзгаришлар Юртбошимиз раҳномолигида амалга оширилаяпти.

Таъкидлаш жоиз, кейинги йилларда миллий авиакомпаниямиз «Боинг-767-300 ER», «Боинг-757-200», «А-310», «RJ-85» ҳамда ўзимизнинг «Ил –114-100» каби ўта замонавий самолётлар билан тўлдирилгани, улар моҳир учувчилар томонидан бошқарилаётгани, авиавокзаллар, аэропортлар тобора кўркам қиёфа касб этаётгани юртимиз шуҳратини оламга таратмоқда. Шугина эмас, ушбу самолётлар бир қанча маблағ эвазига хорижда эмас, шу ернинг ўзида таъмирланаяпти. Биргина жорий йилнинг олти ойи давомида 10660 та халқаро ва ички самолёт қатнови амалга оширилиб, уларда 800 минг нафар йўловчи манзилига соғ-саломат етказилди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг бош шиори: "Хавфсизлик, барқарорлик, аъло хизмат". Унинг дунё авиатизимидаги нуфузи тобора ортиб бораётгани ҳам шундан бўлса керак.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзуми 2006 йил 29-30 август кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашадилар, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммоларни, Марказий Осиёдаги вазиятни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

2006 йил 15 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўзининг навбатдаги сессияси ишини бошлади.

Бўлиб ўтган мажлисда депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

«2001 йил 31 майда Минскда имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг иммунитетлари тўғрисидаги Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзоси У.Жалменов маъруза қилди. Депутатлар барча сиёсий партиялар фракциялари вакилларининг тақдим этилган қонун лойиҳаси ҳақидаги фикрларини тингладилар ва киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзоси Т.Шайманов «1999 йил 26 февралда Москвада имзоланган Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокамадан кейин мазкур Қонун қабул қилинди.

«2003 йил 21 февралда Москвада имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ташқи чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзоси С.Абдуллаев ахборот берди. Қонунчилик палатаси ҳужжатнинг муҳокамаси давомида келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда мазкур Қонунни қабул қилди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М.Тешабоев «2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Хартиясига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Баённомани (Шанхай, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини депутатлар муҳокамасига тақдим этди. Савол-жавоблар ва муҳокамадан сўнг депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

«Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Тешаев ахборот берди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ҳамда уни биринчи ўқишда қабул қилди.

17 август куни Қонунчилик палатаси ўз ишини давом эттирди.

«Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини депутатларга Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Қ.Тошматов тақдим этди. Барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган моддама-модда муҳокамадан кейин Қонун қабул қилинди.

«Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Р.Зарипова тақдим этди. Депутатлар муҳокамадан кейин қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Т.Абдуллаева «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241[1]-моддасига ва Фуқаролик кодексининг 44-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Савол-жавоблар ва мазкур ҳужжат муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

«Маъмурий процедуралар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С.Жабборов ахборот берди. Депутатлар мазкур ҳужжатни муҳокама қилиб, унинг концепциясини маъқулладилар ва биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Москвадан хушхабар

Истиқлол йилларида мамлакатимизда матбаа ва ноширлик соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Нашриётларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, матбаа муассасаларининг замонавий технологиялар билан жиҳозланаётгани чоп этилаётган китоблар сифати ва савиясини сезиларли даражада яхшилаш имконини бермоқда.

Миллий Қомусимиз – шоҳсупада

Бу 12-13 август кунлари Москва шаҳрида ўтган III халқаро "Китоб саньати" кўргазма-танловида яна бир бор ўз тасдиғини топди. Кўплаб мамлакатлардан ношир ва матбаачилар иштирок этган ушбу нуфузли халқаро тадбирда Алишер Навоийнинг "Хамса" асари танловнинг "Ҳамдўстлик", "Замонавий Ўзбекистон миниатюраси" китоб-альбоми эса "Китобат саньати" йўналишида олий соврин билан тақдирланди.

Буюк бобомизнинг "Хамса" асари Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этилган. "Хамса"нинг тўлдирилган ушбу нашри китобат саньатида кам учрайдиган ноёб бадиий безаклар билан жилоланган.

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан ўзбек, рус ва инглиз тилларида чиқарилган "Замонавий Ўзбекистон миниатюраси" китоб-альбомида эса мамлакатимизда миниатюра саньатининг асрлар оша шаклланиш босқичлари, истиқлол йилларидаги ривожи ҳақида ҳикоя қилинади. Икки юз элликдан зиёд миниатюрани ўз ичига олган ушбу салмоқли альбом Шарқ миниатюра саньати жозибаси ва эстетикасини ўзида кенг намоён этган. Унда бугунги ўзбек миниатюрачи мусаввирлари асарларидан ҳам намуналар келтирилган.

Халқаро кўргазмада "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси" давлат илмий нашриётида чоп этилган ўн бир жилдли миллий энциклопедия тўплами танловда "Маданиятлар мулоқоти" йўналиши бўйича учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Истиқлолимизнинг 15 йиллигига муносиб тухфа бўлган ушбу муваффақиятлар миллий матбаачилигимизнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг қадимий ва бой тарихини чуқур ўрганиш, адабиёти, маданияти ва санъатини янада ривожлантириш, миллий қадриятларини асраб-авайлаш борасида юритилаётган изчил сиёсат самарасидир.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2006 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2006 йилда иқтисодиётни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар бўйича ислоҳ қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳисобот даврида тадбиркорлик ва инвестиция муҳитига ижобий таъсир кўрсатди, таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётнинг юқори суръатда ўсишида муҳим омил бўлди.

I. Макроиқтисодий тенденциялар

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар. Иккинчи чоракда реал секторнинг барча тармоқларида ўсиш суръатлари кескин жадаллашди. Бу ялпи ички маҳсулотнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,6 фоизга ошишини таъминлади (биринчи чоракда бу кўрсаткич 3,6 фоизни ташкил этган эди). Инвестицияларнинг 6,9 (4,5), саноат маҳсулотлари 9,7 (6,8), қишлоқ хўжалиги 7,2 (4,5), савдо 11,6 (7,5), хизматлар 13,3 (11,8) ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг ўсиши ҳисобига иқтисодий ўсиш таъминланди.

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	2006 йилнинг 1-чораги	2006 йилнинг 1-ярим йиллиги
Ялпи ички маҳсулот	103,6	106,6
Саноат маҳсулотлари ҳажми	106,8	109,7
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	114,2	120,6
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	104,5	107,2
Қурилиш ишлари	103,6	106,1
Чакана савдо айланмаси	107,5	111,6
Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш	111,8	113,3

(Давоми 3-бетда).

«Сув париси» – 2006»:

Балли, қизлар!

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси сув саройи уч кун давомида синхрон сузиш ихлосмандлари билан гавжум бўлди.

Бу ерда ўтказилган анъанавий VII «Сув париси» халқаро турнири ва Ўзбекистон очиқ кубоги мусобақаларида Таиланд, Россия, Қозоғистон ва мамлакатимиз вилоятларидан келган юздан ортиқ синхрон сузувчилар ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

(Давоми 3-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси олдидан

Парламентимиз юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Бу улкан анжумандан кўп ўтмасдан энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Истиқлол шодиёнаси! Демак, ҳар август охирида ижтимоий-сиёсий тадбирлар, тўйлар турибди.

Айни пайтда Олий Мажлис Сенати қўмиталарида иш қизигандан-қизиган. Ўтган даврдаги қонунчилик, назорат-таҳлил ва бошқа йўналишлардаги фаолиятларининг ҳисоботини қилишмоқда, тақдим этилган қонунларни яна бир карра назардан ўтказиб, ялпи мажлисга олиб чиқишга тараддудланишмоқда. Гарчанд ушбу тадбирлар туфайли вақт тиғиз, юмушлар кўлами улкан бўлишига қарамасдан

Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Ҳамротош ШОДИЕВА бир неча саволларимизга жавоб қайтаришга розилик билдирди.

ИШЛАР ҚИЗҒИН, ТАЙЁРГАРЛИК ПУХТА

тезкор интервью

— Ҳамротош Нормуродовна, қўмита аъзолари ҳозир нима билан машғул?

— Биз айни пайтда ишчи гуруҳи билан ялпи мажлисга киритилаётган қонунларимизни яна қайтадан ўрганиб, хулосалар тайёрлаяпмиз.

— Қайси қонунларни назарда тутаяпсиз?

— Биринчиси — «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Бу қонун қуйи палата томонидан катта меҳнат ва узоқ музокаралардан сўнг айнан ОАВ ходимларининг касб байрамлари олдидан қабул қилинди. У учинчи ўқишдан кейин маъқуллаш учун юқори палатага келиб тушди.

— Бундай қонун илгари ҳам мавжуд эди-ку?

— Тўғри, бор эди. Аммо у мустақиллик йилларида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилган улкан янгиланишлар, ислоҳотлар талабларига жавоб бера олмай қолди. Дастлаб унда жиддий таҳрир ва мукаммалликка муҳтожлик бордек сезилди. Аммо ўрганиш жараёнида шу нарса аён бўлдики, эски қонун жамиятни демократлаштириш жараёнлари билан боғлиқ замонавий шарт-шароитларни акс эттира олмайди. Натижада оммавий ахборот воситаларининг давлат органлари, жамоатчилик ташкилотлари, кенг аҳоли қатлами билан ўзаро манфаатли томонларини ҳисобга олувчи тамоман янги қонун яратилди.

— Иккинчи қонун қандай номланади?

— Кейингиси «Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир. Бу қонун ҳам тўлиқ музокара ва муҳокамалардан ўтиб, тахт ҳолга келтирилди. Қонунга мувофиқ, мамлакатимизда тиббиёт ходимлари куни ноябрь ойининг иккинчи якшанбасида нишонланиши кўзда тутилмоқда.

— Нега айнан ноябрь ойида?

— Негаки, ноябрь ойи тиббиётимиз тараққиётида янги саҳифани бошлаб берган давр. Юртбошимиз «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига айнан 1998 йил 10 ноябрда имзо чеккан эди. Аслида бу ойни истиқлол медицинаси туғилган сана, деб ҳам ҳисоблаш мумкин.

— Қўмитанинг Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ижроси бўйича масалани кўриб чиққанлиги ҳақидаги ахборотни эшитган эдик...

— Ҳа, шундай. Қонуннинг Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ижроси зимдан ўрганилди. Ўрганиш натижалари шу нарсани кўрсатдики, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида ўқув муассасалари бинолари таъмирланмоқда, мукаммал ва жорий таъмирдан чиқарилмоқда, синфхоналар ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникалари билан таъминланаётир, болалар спортини ривожлантириш, мактабларнинг спорт базасини моддий-техник қуроллар билан мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, жойлардаги мавжуд муаммолар ҳам ўрганилди ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, вазирликка тавсия этилди.

— Яна қандай тадбирлар амалга оширилди?

— Анчагина. Жумладан, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда «Маданий меросни асраб-авайлаш — бизнинг фуқаролик бурчимиз» мавзуида давра суҳбати уюштирилди. Бу анжуман бизга ушбу йўналишдаги муваффақиятларимиз билан бирга камчилик ва муайян муаммоларимиз ҳам мавжудлигини кўрсатиб берди. Давра суҳбати қатнашчилари ўз фикр-мулоҳазаларини эркин ўртага ташлади ва шу асосда қўмита ўз хулосаларини тайёрлади. Насиб қилса, яқин ойларда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилишини ўрганиб чиқиш ниятимиз бор.

Эсирган БОЛИЕВ суҳбатлашди.

ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Бош прокурори ўринбосари Ху Кэхуй хоним раҳбарлигидаги делегация 17 август куни қатор вазирлик ва идораларда музокара ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди. Хусусан, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида ва экстрадиция тўғрисидаги шартномалар имзоланган. Айни пайтда Ўзбекистон Бош прокуратураси билан Хитой Олий халқ прокуратураси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳам амалда.

Хитойлик меҳмонлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояси устувор бўлган Ўзбекистон прокуратураси тизими билан танишдилар. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари бунинг яққол далилидир.

Хитой Олий халқ прокуратураси делегацияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий судида ҳам музокаралар ўтказди.

Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎзА мухбири.

ТАЪЛИМ ВА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Тошкент ахборот технологиялари университети ўртасида қиймати 339 минг еврога тенг шартнома имзоланди.

Ушбу шартномада университет томонидан ахборот технологиялари соҳасига ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларига техник таълим беришда консалтинг хизматлари кўрсатилиши кўзда тутилган. Шуниси эътиборлики, Ахборот технологиялари университети Ўзбекистон ва Германиядаги қатор компания ва олий ўқув юртлари ўртасида ўтган йили эълон қилинган халқаро тендер натижаларига кўра шартнома ижрочиси этиб танланди.

Коллежлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш ишлари Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази Германия тараққиёт банки (KfW) ва ушбу мамлакатнинг Техник ҳамкорлик жамияти (GTZ) билан ҳамкорликда амалга ошираётган "Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида олиб борилади. Ўзбекистон ва ГФР ҳукумати ўртасида 1993 йил 28 апрелда тузилган Илмий тадқиқотлар ва мутахассислар жамғармаси тўғрисидаги ва 2001 йил 3 апрелдаги Техник ҳамкорлик тўғрисидаги иккита шартнома бу ишларни амалга оширишнинг асоси ҳисобланади.

2003 йилнинг февралида лойиҳани амалга ошириш учун Германиянинг KfW банкидан 7,6 миллион евро миқдорида кредит ва 1,023 миллион евролик грант олинди. Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимизда таълимни ривожлантиришга бу тарзда ёрдам берилиши Ўзбекистоннинг ушбу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан боғлиқ. Бугун бутун дунё Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самарадорлигини тан олмоқда. Республикада илғор халқаро стандартларга жавоб берадиган ва энг яхши маҳаллий тажрибага асосланган таълим тизими ташкил этилди.

Лойиҳа доирасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланган 14 та ихтисослашган коллеж ташкил этилди.

— Ривожланиб бораётган иқтисодиётимиз жаҳон андозалари даражасидаги малакага эга рақобатбардош мутахассисларга эҳтиёж сезмоқда, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори А.Каримов. — Шу боис Президент Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган 2002-2010 йилларда Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига мувофиқ, мамлакатимиз коллежларида дастурий воситалар, маълумотлар базаси, мультимедиа, компьютер техникасини ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунда ўқитувчилар малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки ўқувчилар билимининг сифати, аввало, ўқитувчиларга боғлиқ.

Тошкент ахборот технологиялари университети бу муҳим вазифани ўз зиммасига олди. Олий ўқув юрти ва коллежлар базасида 192 ўқитувчи қайта тайёргарликдан ўтади. Сўнгра улар жойларда ўз ҳамкасблари малакасини ошириш билан шуғулланади.

Келгуси йилнинг июнида республикадаги касб-ҳунар коллежларини электроника, дастурлаш ва бизнес бўйича мутахассисларнинг дастлабки битирувчилари тамомлайди. Бу мамлакатимиз ўрта махсус касб-ҳунар таълими учун янги таълим йўналишлари ҳисобланади. Бироқ иш берувчилар халқаро талаблар даражасида тайёрланган бўлғуси мутахассисларга ҳозирданоқ катта қизиқиш билдирмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида билим беришда етакчи ҳисобланган Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорлиги бундай мутахассислар билимини оширишга ёрдам беради.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

Қўшхабар

«Ривож» — истиқлол тенгдоши

Улар 15 йил аввал ижарага олинган бинода иш бошлашганди. Бор-йўғи тўрт киши тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қўл урган эди. Энди жамоа 90 нафардан иборат. Хусусий корхона ўзининг ҳавас қиларли биносига, замонавий тикув машиналарига эга бўлди. Эркак ва аёллар, болаларнинг рангбаранг, бежирим кийимлари мижозлар эътиборига тушди.

— Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз шарофати, — дея ғурурланади Андижон шаҳридаги «Ривож» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Мамасоли Маллаев. — Жамоамиз ўн беш ёшга тўлаяпти. Биз ана шу қутлуғ санани 50 хил маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан кутиб олаяпмиз.

Андижонда «Ривож»га ўхшаш қадди тик, тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олган корхоналарнинг тобора кўпаяётгани қувонарлидир.

Қишлоқни шаҳар билан боғловчи йўл

Андижон шаҳар йўл қурилиш пудрат корхонасининг иккинчи қурилиш бўлими жамоаси «Бахт» сув насос иншоати олдидан бошланиб Андижон шаҳрига уланувчи Янги Далварзин кўчасида тупроқ ётқизиш ишларини ниҳоясига етказди. Шағал ётқизиш ҳам охирлаётир. Йўлнинг икки томони текисланиб, сув йўли — лотоклар ўрнатила бошланди. Халқа йўл вазифасини бажарувчи кенг ва равон иншоот йўлсозларнинг байрамга муносиб туҳфасидир.

У Истиқлолимизнинг 15 йиллиги байрами арафасида ишга тушади. Шунингдек, яна бир ҳалқа йўл Избоскан туманида фойдаланиш учун топширилди. Автомобиллар энди Пойтуғ шаҳрини кесиб ўтибгина қолмай, балки «Қўшкўпир — Тешикмозор» бўйлаб ҳам ҳаракатлана бошлайди.

О.ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Элга хизмат — олий ҳиммат

Одатдагидек, барвақт биримиз ишга, бировимиз ўқишга, яна кимдир бозор-ўчарга ошиқамиз. Табиийки, жамоат транспорти кўзлаган манзилимизга етишимизда жонимизга оро киради.

Аҳмед ака, мана, йигирма йилдирки, пойтахтликлар ва унинг меҳмонларига баҳоли-қудрат хизмат қилиб келмоқда.

Тажрибали ҳайдовчи ҳозир 131-йўналиш бўйича йўловчиларга беминнат хизмат кўрсатмоқда. Табиатан хушчақчақ, ширинсухан, тўғрисўз Аҳмед акани ҳамкасблари кўпга меҳнати сингиб, кўпнинг дуосини олаётган инсонлардан, дея у билан фахрланишади. Бизнингча, касбу коридан иззат, ҳурмат топиш шу бўлса керак.

СУРАТДА: 12-автобус саройи ҳайдовчиси Аҳмед Юсупов.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Дилкаш суҳбатлар

Бундай суҳбат шу кунларда мамлакатимизнинг ҳар бир маҳалласи, гўшасида давом этмоқда. Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Қудуқбоши маҳалласи гузарида шу ерлик онахон ва отахонлар билан гурунгни туман «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Ҳалима Жуманиёзова бошлаб берди. Ҳар қандай расмийликдан холи, савол-жавоб тарзида ўтказилган суҳбатда Тошкент Давлат юридик институти кафедра мудири Садриддин Хидиров, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Ш.Жабборов мустақиллик йилларида халқимиз тафаккуридаги ўзгаришлар, истиқлол туфайли қўлга киритилган ютуқлар ҳақида сўз юритдилар. Маҳалла аҳли билан гаплашиш асосида мамлакатимиз ўз мустақиллигининг 15 йиллигига қандай бораётганлиги, кейинги йилларда бевосита шу маҳалланинг ўзида рўй берган ўзгаришлар алоҳида таъкидланди.

Кечада истиқлол шаънига битилган шеърлар янгради, халқимиз қўлга киритган ҳуқуқлар содда тилда баён этилди. Хуллас, кўпчиликни ҳаяжонлантираётган масалалар бафуржа муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Суддан кейинги ўйлар

Раҳбар сўзини эшитганимизда кўз олдимизда кўпчиликка етакчилик қиладиган, уларнинг қувончу ташвишлари билан яшайдиган, ишончини оқлайдиган инсон гавдаланади. Лекин шундайлар ҳам бўладики, амал курсисига ўтиргач, кўзини «шира» қоплайди. Нафс йўлида ҳеч нарсадан тоймайди.

«ҒАМХЎР» БАНКИРЛАР

Шавкат Равшанов «Ғаллабанк» РАТБ Сирдарё вилояти минтақавий филиали бошқарувчиси этиб тайинланганда кўпчилик унга ишонган эди. Ёш, иқтидорли раҳбар сифатида филиал ишини тезда оёққа турғазади деб ўйлаганди. Аммо Ш. Равшанов ишончни оқламади. Унча кўп ишламаёқ ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилишга киришди. Банкдан ўзига ҳамтовоқ топди. Ходими, банкнинг амалиёти ва накд пул берилишини мониторинг қилиш бўлими бошлиғи Мўминжон Муртазаев билан жиноий тил бириктирди. Улар ўтган йилнинг 6 декабрь куни фуқаро Р.Каримовнинг, кейинги куни эса банк мижози, «Кўзгу» фермер хўжалиги раҳбари А.Муратовнинг паспортларини олиб, уларнинг номига 3500 ва 4800 АҚШ доллари расмийлаштиради. Кейин эса бу валюталарни бошқа кишиларга сотади.

Улар бу билан ҳам қаноатланишмайди. 2005 йил декабрнинг 12-13 кунлари «Ихтиёр Султонов» фермер хўжалиги раҳбари А.Султонов ва Янгиобод қишлоқ врачлик пункти ҳисобчиси У.Уматқуловларга ҳам ана шундай йўл билан 3800 ва 2100 АҚШ доллари «сотади». Ҳолбуки, республика Марказий банкининг 2002 йил 21 февралдаги «Айирбошлаш шохобчаси тўғрисида Низом»ида миллий валютани чет эл валютасига эгаси келмаган паспортлар бўйича (сиртдан) алмаштириш қатъиян тақиқланган.

Хўш, мансабдорлар нима учун ана шундай жиноятга қўл уришди? Ушбу ҳаракатларнинг ноқонуний-лигини, наҳотки, бу мансабдор фуқаролар билишмаган бўлса?

Суд жараёнида ана шу саволларга жавоб топилди. Маълум бўлишича, нотариал идоранинг ҳайдовчиси (идора ушбу банкнинг мижози) Р.Каримов ҳисобчининг илтимосига кўра тўлов шартномасини мазкур банкка топшириш учун келади. Шу пайт уни банк бошқарувчиси Ш.Равшанов тўхтатиб, паспортини сўрайди. Ҳайдовчи ҳужжат нима учун олинаётганини билгач, «Менга зиёни тегмайдими?» деб савол беради. Бошқарувчи унга ҳеч нарса бўлмаслигини, бу ишлар фақат ҳисобот учун қилинаётганини айтади. Сўнг паспортини олиб қолади. Ҳайдовчи эртаси куни тўлов шартномасини олишга келганида валюта алмаштириш шохобчаси ишчиси Н.Ахмеджанова унга ҳужжатини ҳамда аслида олинмаган, лекин унинг номига расмийлаштирилган пул олгани ҳақидаги маълумотномани беради.

Умуман, Ш.Равшановнинг «ҳозиржавоблиги», бошқаларга «ёрдам бериш»га иннигига валюта харид қилганлик тўғрисида ҳужжат расмийлаштириш, хориж пулини бошқага сотиб, банкка тушган накд пулни маош учун бериш таклифини илгари суради. Ҳисобчи ноилож рози бўлади. Шундай қилиб, ушбу жуфтлик жиноий йўл билан топилган хориж валютасини легаллаштириш иложини топишади.

Суд мажлисида Шавкат Равшанов ҳам, Мўминжон Муртазаев ҳам ўз айбларига иқрор бўлишди ва тегишли жазосини олишди.

Ачинарлиси, ушбу мансабдор шахслар қилган «амалиёт»лар миллий валютамизнинг қадрсизланиши, валюта курсининг барқарорлигига путур етказиши, айниқса, давлатимиз ва жамоатчилик манфаатларига жиддий зарар келтиришини яхши билишган. Лекин ҳакалак отган нафсларини жиловлай олишмаган.

Албатта, жиноят содир қилган иккала шахс тегишли жазо олди. Судда уларнинг илгари судланмагани ва вояга етмаган фарзандлари борлиги ҳам эътибордан четда қолдирилмади. Бироқ улар ўз қилмишлари раҳбарлик мақомига путур етказиши, муҳими, эл ишончининг сусайишига олиб келишини билишармикан?..

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ўзбекистон овози» 17 август. Сафар Остонов «Мустақиллик қадри»:

«Сафардан қайтаётиб поездда Жуманиёз Жабборовдан сўрадим:

— Учрашувлар чоғида сизга энг таъсир этган, сизни қувонтирган нарса нима бўлди?

— Мустақиллик моҳиятини, қадрини одамлар тобора кенгроқ тушуниб бораётгани, бу байрам ҳақиқатан ҳам энг азиз, энг улуғ байрам эканини ҳис қилаётганлари, — дея жавоб берди у».

«Ҳаёт» 17 август. Маҳмуд Тоир «Исмингда ифор бор, Озодлик!»:

«Мени шоир қилган шу тупроққа тиз чўкаман, мен тикилсам менга боламдек талпинган майсаларга қўл чўзаман, менга покликни ўргатган булоқлар қошида бошим эгик. Менинг қондошларим, ҳамқишлоқларим миннатли ёғли таомдан кўра пешонаси терини ялаб, озодлигига шукр қилгувчи одамлардан айро яшаш — демакки, бу дунёда мен учун ёлғон яшашдир».

«Тошкент оқшоми» 16 август. Маҳмуд Комилжонов «Ҳасрат боғи»даги кўнгил андуҳлари»:

«Ҳеч бир асар ҳаммага бир хилда ёқавермайди. Ҳатто адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган асарлар ҳақида ҳам ўз замонида турли қарашлар бўлганлигини ҳеч биримиз инкор эта олмаймиз. Лекин кўпчиликнинг фикрига қарши бориш, уларни инкор этиш ҳам қандайдир адолатсизликдек кўринади».

«Афанди» 17 август. Ўрол Бекмуродов «Муаммонинг муаммоси»:

«Денов шаҳар «Бободеҳқон» бозори атрофидаги манзарага қараб қоламиз. Маҳсулотлар лаборатория текширувидан ўтмаган. Унинг ўтганлиги хусусида ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шунинг учун ҳам ҳар хил юқумли касалликлар чиқишига кенг имконият яратаётир. Айниқса, оҳак ва алибастернинг чанги барча жойни ифлос қилади. Мана шу ҳолатга жавоб берадиган Деновда ягона санитария-эпидемиология маркази мавжуд бўлиб, унда бир қанча тажрибали мутахассислар меҳнат қилишади. Улар шаҳарнинг Мустақиллик кўчасидаги бу ташвишли ҳолат билан анчадан буён таниш бўлсалар-да, аммо эътиборсиз».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2006 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пул-кредит сиёсати жорий йил учун белгиланган устувор йўналишларга мувофиқ пул миқдорининг прогноз кўрсаткичларига қатъий риоя қилиш, банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш, иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратиш ҳажмини кенгайтириш билан бир қаторда миллий валюта барқарорлигини ошириш ҳисобидан макроиқтисодий барқарорликни таъминлади.

Натижада инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади ва 3,5 фоизни ташкил этди. Реал тармоққа кредит қўйилмалар қолдиқларининг умумий ҳажми ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигига қараганда 10,5, банкларнинг умумий капитали 17 ва аҳолининг банклардаги депозитлари 55,7 фоизга ошди.

Бюджет-солиқ сиёсати бюджетнинг даромад ва харажат қисмлари мувозанатини таъминлаш билан бир пайтда хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкини камайтиришга йўналтирилди. Давлат Солиқ ва Божхона қўмиталари бўйича тушумлар прогнозини бажариш тегишли равишда 102,8 ва 100,5 фоизни ташкил этди. Бу, ўз навбатида, бюджет даромад қисмининг прогнозга кўра 2,4 фоиз ортиғи билан бажарилишини таъминлади. Бюджет тушумларини ошириб бажариш бюджет харажатларининг барча моддаларини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаш имконини берди. Давлат бюджети профицит билан бажарилди.

2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида **ташқи савдо айланмаси** 5059,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди ёки 2005 йилнинг биринчи ярим йилидагига нисбатан 4,6 фоизга ошди. Экспортнинг умумий ҳажми 5,2 фоизга ўсди ва 2971,2 миллион долларни ташкил қилди. Импорт ҳажми 2088,1 миллион долларни (2005 йилдаги даражага нисбатан 103,6 фоиз) ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг 883,1 миллион доллар миқдоридаги ижобий сальдосига эришилди.

II. Таркибий-инвестиция сиёсати ва реал сектор тармоқларини ривожлантириш

Инвестициялар. 2006 йилнинг январь-июнь ойларида барча молиялаш манбалари ҳисобидан республика бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмалар миқдори 1624,6 миллиард сўмни ёки жорий йил кўрсаткичига нисбатан 44,1 фоизни ташкил этди. Инвестициялар ўтган йилнинг шу даврига қараганда 6,9 фоизга кўпайди (2005 йилнинг биринчи ярим йиллигида 5,4 фоиз). Капитал қўйилмаларнинг 63,4 фоизи ишлаб чиқариш соҳасидаги қурилишларга йўналтирилди.

Марказлаштирилмаган инвестицияларнинг солиштирма салмоғи 72,8 фоизга етди. 2005 йилнинг биринчи ярим йилида бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этган эди. Марказлаштирилмаган инвестицияларнинг асосий ўсиши корхоналар маблағлари ҳисобидан молиялашнинг 26,8 фоизга ошиши туфайли таъминланди. Бу молиялашнинг ушбу манбаи салмоғининг 2005 йилдаги 40,4 фоизга нисбатан 48,3 фоизга кўпайишига олиб келди.

Ҳисобот даврида МТБ (маҳсулотни тақсимлаш битими) шартлари асосида Россиянинг "Газпром" компанияси билан Шахпахта конини қўшимча ўзлаштириш лойиҳаси ниҳоясига етказилди, МТБ шартларига кўра, "Лукойл" компанияси билан Ҳовузак-Шоди конида саноат асосида бурғилаш ишлари бошланди, тўқимачилик саноатида қатор лойиҳалар — "БФ Текстайлпродакшн" хорижий корхонаси, "Байтекс Тижарет" қўшма корхонаси лойиҳасининг иккинчи босқичи ниҳоясига етмоқда, "Тошгузор-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўли, "Ўзбекистон" электр узатиш линияси қурилиши ва бошқа лойиҳалар юқори суръатларда амалга оширилмоқда.

Турли даражадаги **автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш** бўйича 40,1 миллиард сўмлик ишлар бажарилди (биринчи ярим йиллик прогнозига нисбатан 100,5 фоиз). Тасдиқланган иш жадвалига мувофиқ 123 километрлик автомобиль йўллари фойдаланишга топширилди, 561,5 погон метр кўприк ва йўл ўтказгичлар таъмирланди.

Саноат. Саноатнинг машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қора металлургия, кимё, енгил, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларида тайёр ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш туфайли унинг юқори суръатда ўсиши таъминланди.

Юқори ўсиш суръатлари машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, кимё ва нефть-кимё маҳсулотлари, қурилиш материаллари, электр энергетика, пахта тозалаш, трикотаж, тикувчилик, озиқ-овқат, ун маҳсулотлари, шиша ва чинни-фаянс буюмлар, тиббий, матбаа ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам кузатилди.

Саноат ишлаб чиқаришида ўсиш суръатларининг тармоқлар бўйича динамикаси

(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	2006 йилнинг 1-чораги	2006 йилнинг 1-ярим йиллиги
Саноат маҳсулоти	106,8	109,7
шу жумладан:		
электр энергетика	109,4	107,6
ёқилғи	99,4	100,1
қора металлургия	105,8	106,8
рангли металлургия	99,5	100,8
кимё ва нефть-кимё	112,1	116,9
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	110,6	119,8
ёғоч, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз	116,0	118,0
қурилиш материаллари саноати	117,0	118,8
енгил саноат	106,8	111,4
озиқ-овқат саноати	120,9	129,2
бошқа соҳалар	119,6	121,3

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни ошириш натижасида суюлтирилган газ (105), электр қуввати (103,5), кўмир (109), пўлат (101,3), цемент (108,5), автомобиль (123 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган чоралар туфайли 2006 йилнинг январь-июнь ойларида уларни ишлаб чиқариш 20,6 фоизга ошди. Ўтган йилнинг шу даврига қараганда музлатгич ва совутгич (5,4 марта), кир ювиш машинаси (129,6), телевизорлар (179,2), спиртсиз ичимликлар (2,1 марта), мева шарбатлари (129,0), шакар (156,5), макарон маҳсулотлари (125,6 фоиз), ўсимлик ёғи (114,3), гилам ва гилам маҳсулотлари (113,8), чинни-фаянс идишлар (177,5 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди.

2006 йилнинг январь-июнида **Маҳаллийлаштириш дастури доирасида** 675,3 миллиард сўмлик ёки прогноз кўрсаткичга нисбатан 101,2 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2005 йилнинг шу даврига қараганда маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш 1,5 марта кўпайди. Импорт ўрнини босиш самарадорлиги 562,7 миллион долларни ташкил қилди. Дастурнинг 288 та лойиҳаси мониторинги давомида 82 та лойиҳа бўйича прогноз кўрсаткичларнинг барқарор бажарилиши таъминланди.

Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва келажаги йўқ корхоналарни тугатиш бўйича чоралар. Реструктуризациялаш ва молиявий соғломлаштириш тадбирлари 674 та корхона, жумладан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида фаолияти бўйича дастурлар ишлаб чиқилган 168 та корхонани қамраб олди. Уларнинг 24 тасига нисбатан банкротлик жараёни бошланди, 14 та корхона бошқа корхоналарга қўшилиши сабабли юридик шахс реестридан чиқарилди. Бундан ташқари, тўқимачилик саноатининг 217 та самарасиз ишлаётган корхонаси тугатилди. Кўрилган чоралар натижасида 450 та корхонада (умумий корхоналар сонининг 70 фоизи) ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият кўрсаткичлари яхшиланди, 328 та корхона (ёки умумий сонининг 51 фоизи) ишлаб чиқариш ҳажмини 20 фоиздан кўпроқ оширди, 98 та (187 тадан) корхона иқтисодий ночор аҳволдан чиқди, 62 та (92 тадан) корхона зарар кўриб ишлашни бартараф этди, қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг банд бўлмаган қувватлари ҳисобидан 89 та янги корхона ташкил этилди, 10331 та иш ўрни яратилди ва қайта тикланди.

Савдо ва хизматлар. Саноат ишлаб чиқариши ва биринчи навбатда, истеъмол товарлари ишлаб чиқариши ўсишининг жадаллашиши чакана савдони 11,6 фоизга кўпайтириш имконини берди. Республиканинг барча ҳудудлари бўйича савдонинг ўсиш тенденцияси сақлаб турилибди.

Улгуржи савдо билан шуғулланувчи корхоналар тармоғи кенгайтирилди, мини-банклар ва бозор инфратузилмасининг бошқа объектлари сони кўпайди. "Ўзулгуржисавдоинвест" улгуржи савдо корхоналари уюшмаси томонидан республика ихтисослашган улгуржи савдо базалари ташкил этилди. Ҳудудларда товарларни сотиш бўйича 23 та вилоят, туман ва туманлараро улгуржи базалар ташкил этилди.

Ҳисобот даврида хизматлар ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг ҳудудий ва соҳалар бўйича дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди, дастурий чораларнинг аниқ йўналтирилиши, соҳалар, ҳудудлар ва республика миқёсида ишлаб чиқилган дастурлар параметрларининг мувофиқлиги таъминланди. Мониторинг ўтказиш мақсадида 2006 йил учун ҳар чорақда мақсадли йўналишлар ишлаб чиқилди.

Аҳолига кўрсатилган пулли хизматлар ҳажми 2006 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,3 фоизга ошди ва 889,1 миллиард сўмни ташкил этди.

III. Хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш, иқтисодиётнинг хусусий тармоғини ривожлантириш

Ўтган даврда Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига мувофиқ 240 та корхона хусусий мулк сифатида сотилди (белгиланган топшириққа нисбатан 107,1 фоиз). Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобидан умумий тушум 32,7 миллиард сўмни ташкил этди, шу жумладан хорижий инвесторлардан тушум 23,3 миллион АҚШ долларини (йиллик прогнозга нисбатан 61,1 фоиз) ташкил этди.

Дастурда **"нол"га тенг харид қийматида** сотилиши кўзда тутилган 115 та корхонадан 108 таси бўйича танлов савдолари ўтказилди, шундан 107 та объект 12,8 миллиард сўмлик инвестиция киритиш мажбуриятлари билан сотилди.

Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори жами айланмаси 2006 йил биринчи ярми якунларига кўра 92,3 миллиард сўмни ташкил этди ва 2005 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 2,8 марта ўсди. Иккиламчи бозорнинг акциялар сотилишининг умумий ҳажмидаги солиштирма салмоғи 54,2 фоизни ташкил этди (ўтган йилнинг тегишли даври якунларига кўра 40,9 фоиз).

Моддий ресурсларни сотишнинг бозор механизмларини жорий қилиш ЎзРТХБда юқори ликвидли маҳсулотларни сотиш ҳажмини 483 миллиард сўмгача ошириш имконини берди. Қўшимча равишда қиймати 135,9 миллиард сўмга тенг юқори ликвидли маҳсулот сотилди (2005 йилнинг биринчи ярмида — 45,7 миллиард сўмлик, ўсиш 3 баравар). 2005 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан биржа экспорти айланмаси кескин ошди — 8,4 миллиард сўмдан 71,6 миллиард сўмгача (8,5 баравар).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. Текширишлар сонини кескин қисқартириш, жазо қўллашнинг суд механизмини жорий этиш, бизнесни рўйхатга олиш, статистика ва молиявий ҳисоботлар учун маблағ ва вақт сарфини камайтириш, битимларни нотариал амалга ошириш, саноат намуналари, товар белгилари ва селекция навларини рўйхатга олиш туфайли рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектлари сони кескин кўпайди (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120,3 фоиз).

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми жорий йилнинг биринчи ярмида молиялашнинг ҳамма манбалари ҳисобига 240 миллиард сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12 фоиз кўп бўлди. 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида кичик бизнес субъектларига дастлабки сармояни шакллантириш учун ажратилган кредитлар миқдори 20 фоиз ошди ва 2006 йил 1 июль ҳолатига кўра 12,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Натижада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналари улуши 85,6 фоиздан 90,1 фоизгача ўсди, кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши эса ошиб борди ва 34,1 фоизни ташкил этди, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,2 фоиз пункт кўпдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 196 минг иш жойи яратилди.

IV. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиши ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 107,2 фоизни ташкил этди. Ўтган йилгидан ғалла (125,5 фоиз), картошка (107,4 фоиз), сабзавот (114,2 фоиз), мева (135,2 фоиз), полиз маҳсулотлари (141,7 фоиз), узум (141,3 фоиз), сут (105,6 фоиз), гўшт (106,6 фоиз), тухум (106,6 фоиз) кўп етиштирилди.

Фермерликни ривожлантириш бўйича кўрилган чоралар доирасида 445 та тугатилган ширкат хўжалиги негизида 56 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилди. Фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг умумий сони 2006 йил 1 июль ҳолатига кўра 181,7 мингни ташкил этди. Ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 26,1 гектар ер майдони тўғри келмоқда.

Ўтган даврда 219 та ихтисослашган **мева-савзавотчилик ва узумчилик** қишлоқ хўжалиги ширкати тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилди. Тугатилган ширкатлар базасида 39 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилиб, уларга 319,2 минг гектар ер берилди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштириш ва тўлиқ қайта ишлашга ихтисослашган агрофирмалар фаолиятини ташкил этиш учун шароит яратиш бўйича кўрилаётган чоралар натижасида тугатилган ширкатлар ҳудудида 197 та агрофирма тузилди. Уларнинг муассислари фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлардир.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш бўйича 2006-2010 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш натижасида қорамол сони 2006 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 4 фоиз ўсди ва 6775,3 минг бошни ташкил этди.

Аукцион савдоларини жорий этиш йўли билан аҳолининг йирик қорамолни сотиб олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида 166 та аукцион савдоси шохобчаси ташкил этилди, уларда 12157 бош наслдор чорва моли сотилди.

2006 йил 1 июль ҳолатига кўра йирик қорамолни сотиб олиш учун деҳқон хўжаликларига умумий қиймати 11,2 миллиард сўмга тенг микрокредитлар ажратилди.

V. Ижтимоий соҳани ривожлантириш

Аҳоли бандлиги. Аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни амалга ошириш давомида 312,8 минг янги иш жойи ташкил этилди. Меҳнат бозорида фаол сиёсат олиб борилиши аҳоли бандлигининг 2,8 фоиз ўсишига кўмаклашди.

Касаначиликнинг турли шакларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, шу жумладан унинг йирик саноат корхоналари билан кооперацияси касаначилик соҳасида 78,3 минг (118,6 фоиз) иш ўрни ташкил этиш имконини берди.

Аҳоли даромадлари. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида аҳоли жон бошига реал пул даромадлари қарийб 17 фоиз ошди.

Педагогик ва тиббий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш натижасида ўтган йилдагига нисбатан ўқитувчиларнинг тариф ставкаси ўртача 1,3 марта, тиббиёт ходимларининг 1,4 марта кўпайди. Бу мақсадлар учун давлат бюджетидан 33,7 миллиард сўм ажратилди. Бундан ташқари, ўтган даврда 275,4 минг эҳтиёжманд болали оила **давлатнинг ижтимоий ёрдамидан баҳраманд бўлди.** 48,7 минг кам таъминланган оила ва 71,8 минг хотин-қизга 2 ёшгача бўлган бола парвариши учун нафақалар тайинланди.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурини амалга ошириш йўлида барқарор молиявий аҳволга эга йирик корхоналар, муассаса ва ташкилотлар ҳамма мехрибонлик уйлари, қариялар ва ногиронлар учун интернатлар, мактаб-интернатларни ўз ҳомийлигига олди. Умуман республика бўйича 21,9 минг кам таъминланган оилага бепул сигир берилди.

Ижтимоий соҳа объектлари қурилиши. Биринчи ярим йилликда Мактаб таълими жамғармаси бўйича 120,3 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. 37,2 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаблар янги қурилди ва тўлиқ таъмирдан чиқарилди, умумий сони 155,5 минг ўқувчи ўрнига эга мактаблар жорий таъмирланди.

Биринчи ярим йилликда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 16,7 миллиард сўм ўзлаштирилди, бунда 33 та объект ишга туширилди, шу жумладан 17 та реконструкция қилинаётган объект ва 16 та мактаб спорт залларига қўшимча бинолар қурилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари қўшимча равишда 11 турдаги спорт анжомлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожланишда эришилган ижобий натижалар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва таркибий ислоҳотларни жадаллаштириш сиёсатининг тўғрилиги ва самарадорлигини тасдиқламоқда. Бу ислоҳотлар макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатлари юқорилигини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси



Балли, қизлар!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, спортнинг мазкур тури мамлакатимизда жадал оммалашиб бораётир. Ўз навбатида, халқаро майдонларда қизларимиз қўлга киритаётган натижалар ҳам салмоқли бўлмоқда. Бу сафарги беллашувда ҳам ўзбекистонлик синхрон сузувчилар совринли ўринларни эгаллашди. Жумладан, дастурдаги аралаш беллашувларда ҳамюртларимиз олтин ва бронза медаллар соҳиби бўлишди. Кумуш медаль Қозоғистон мамлакати спортчиларига насиб этди. 12 ва ундан кичик ёшдаги қизлар ўртасидаги яккалик (соло) баҳсларида ҳамюртимиз Шоҳида Зоҳидова олтин, таиландлик Сангакул Чанамон кумуш, қозоғистонлик Татьяна Калус бронза медаль билан тақдирланди. 13-15 ёшли қизлар ўртасида ҳам вакилимиз Анастасия Рўзметова энг кўп балл жамғариб, олтин медаль соҳиби бўлди. Таиландлик Сучита Танабутчот иккинчи, қозоғистонлик Татьяна Кухарская учинчи ўриндан жой олди.



Катта ёшдаги иштирокчилар ўртасида иқтидорли спортчимиз, бир неча халқаро турнирлар ғолиби Дарья Можаева олтин, россиялик Весна Разговорова кумуш, юртдошимиз Валерия Золотих бронза медални қўлга киритди.

Жуфтлик (дуэт) баҳсларида ҳам ўзбекистонлик қизлар дугоналаридан кучли эканликларини намойиш этдилар. Мусобақа терма жамоамиз учун XV Осиё ўйинлари олдидан тайёргарлик вазифасини ўтаган бўлса, вилоятлардан келган қизлар учун ўзига хос тажриба мактаби бўлди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Муклчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КАТТАҚЎРҒОН ШАҲРИДАГИ А.МАЖИДИЙ НОМИДАГИ ТЕАТР

қуйидаги иншоотни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади:

Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги А.Мажидий номидаги театрни капитал таъмирлаш (иситиш тармоғи).

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 2 ой.

Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи манзили: Каттақўрғон шаҳри, А.Навоий кўчаси, 168-уй.
Телефон: (8-3645) 5-21-85.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, иситиш тармоқлари қурилиши бўйича, махсус рухсатномага эга бўлишлари, ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-«Г» корпус, 208-хона.
Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 50 000 (эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдонида соат 18.00 да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ

қуйидаги кафедраларнинг шаҳодатланган профессор-ўқитувчилар лавозимларига

танлов эълон қилади:

- **юридик фанлар кафедраси — кафедра бошлиғи, профессор;**
- **божхона статистикаси ва ахборот технологиялари кафедраси — кафедра бошлиғи, профессор, доцент, ўқитувчи;**
- **давлат ва хорижий тиллар кафедраси (инглиз, немис тили) — кафедра бошлиғи, профессор;**
- **божхона назоратини ташкил этиш кафедраси — кафедра бошлиғи, профессор, доцент;**
- **ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқариш кафедраси — доцент;**
- **махсус фанлар кафедраси — кафедра бошлиғи;**
- **ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик, автомобиль иши кафедраси — кафедра бошлиғи, доцент, ўқитувчи;**
- **ихтисос фанлар кафедраси — кафедра бошлиғи, профессор.**

Танловда иштирок этиш истаги бўлган номзодлар Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтининг кадрлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Ишга кириш истагини билдирганлар ўзлари билан паспорт, ҳарбий гувоҳнома ва олий ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломлари билан келишлари лозим.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Қозиработ 2-тор к., 118-уй, Олий ҳарбий божхона институти. Тел.: 144-96-43, 144-56-26.

Долзарб мавзу

Биринчи август олий ўқув юртларида ўқиш истагида бўлган абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун энг ҳаяжонли кун. Чунки шу куни минглаб йигит-қизлар тест синовларини топширишади. Айни пайтда севимли ўқув даргоҳларида таҳсил олиш ниятидаги ёшларнинг ҳаяжони устига ҳаяжон қўшилган. Сабаби оддий: тест синовларининг жавоби чиқди. Мухбиримиз имтиҳон натижалари билан боғлиқ айрим саволларга жавоб топиш мақсадида Давлат тест маркази директори Баҳром Исмоилов билан боғланди.

Ғалвир сувдан кўтарилди!

— Аввало, бу йилги тест натижалари ҳақида тўхталсангиз.

— Жорий йилда Давлат тест маркази томонидан ҳаммаси бўлиб, 314 минг нафар абитуриентнинг имтиҳон натижалари кўриб чиқилди. Тест натижалари 16 августда пойтахтимиздa, 17 августда эса барча вилоятлардаги олий ўқув юртларида эълон қилинди. Ҳар бир университет ва институтда вакилларимиз бўлишини таъминладик. Чунки тест синовларини топширган йигит-қизлар ва ота-оналарда турли саволлар туғилиши мумкин. Вакилларимиз улар билан ўша жойнинг ўзида тушунтириш ишларини олиб боришади ва бошқа саволларга жавоб беришади. Шунингдек, бу йил тест натижалари билан танишиш янада қулай бўлиши учун эълон доскаларини ҳам кўпайтирдик.

— Аксарият ёшлар пойтахтимиздаги нуфузли ўқув даргоҳлари: Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетларида ўқишни хоҳлашади...

— Дарҳақиқат, бу гал ҳам ушбу олий ўқув юртларига ҳужжат топширганлар кўп. Тошкент Давлат юридик институтига жами 520 та ўрин берилган. Шундан давлат грантига 190 шартнома бўйича эса 330 та жой ажратилган. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига берилган ўрин 225 та бўлиб, шундан давлат грантига 80 та, шартнома асосида 145 та талаба қабул қилинди. Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида таҳсил олишни истовчилар йилдан-йилга кўпайиб бораётганини мана бу рақамлар ҳам тасдиқлайди: берилган ўрин — 970 та. Шундан 355 таси давлат грантига, 615 таси эса шартнома асосида ўқийдиганларга ажратилган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Миллий университети ҳужжат қабул қилиш жиҳатидан ҳам, энг кўп ўрин ажратилиши бўйича ҳам етакчи ўринда. Мазкур олий ўқув юртига жами 1665 талаба қабул қилиниши кўзда тутилган бўлса, улардан 665 таси давлат грантига, 1000 таси шартнома ўринларига тўғри келади. Ўз-ўзидан кўринадики, 2006/2007 ўқув йилида абитуриентлар сони сезиларли даражада ошган. Шунингдек, ёшларимизнинг тест синовларига пухта тайёргарлик кўриш даражаси ҳам бирмунча юқорилиги имтиҳонлар натижасини текшириш жараёнида маълум бўлди.

Яна бир гап. Боя айтганимиздек, бу йил ҳужжат топширганлар кўп. Танлов жараёни ҳам шунга яраша кечди. Раҳбарият абитуриентлар сонининг ҳар галгидан кўплигини инобатга олиб, қайси олий ўқув юртининг имконияти етарли бўлса, шуларга қўшимча жой ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Энг муҳими, ҳар бир абитуриентнинг тест саволларига топширган жавоби қайта-қайта, синчиклаб ўрганилишига жиддий эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи» мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ суҳбатлашди.

Кулоллар ҳум ясашди

Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси, ЮНЕСКО ҳамда Японияниг Ишонч жамғармаси томонидан пойтахтимиздаги "Усто-Шогирд" кулолчилик мактабида "Ўзбекистон кулолчилиги: шакл, нақш ва мазмун" деб номланган халқаро илмий-амалий семинар ташкил этилди.

Унда ўзбек кулолчилигининг тарихий ютуқлари, ўзига хосликлари, жаҳон ҳунармандчилигида тутган ўрни ҳамда муаммолар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ҳам кулолларни, ҳам шу соҳа олимларини бир стол атрофида йиққан ушбу тадбирда Хива, Самарқанд-Бухоро, Фарғона кулолчилик мактабларининг моҳир усталари иштирок этиб, юртимиздаги мавжуд мактабларнинг фаолиятини тадқиқ этишди. Шунингдек, энди ўзини тиклаётган Шаҳрисабз, Бойсун кулолчилик марказларининг келажакда тараққий этишига умид билдирилди.

Беш кун давом этган семинарда ютуқлар билан бирга ҳунармандларни қийнаб келаётган масалаларга ҳам тўхтаб ўтилди. Хусусан, кулолларнинг муаллифлик ҳуқуқлари поймол этилаётгани таъкидланди. Маълумотларга кўра, бир йилда жаҳон керамика маҳсулотларидан 40 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда кўрилса, шулардан бор-йўғи 3 миллионигина мол эгалари ҳиссасига тўғри келар экан. Машҳур Риштон кулолчилик буюмлари тамғаси остида бозорларимизда қалбаки маҳсулотлар кўпайиб кетгани айтиб ўтилди.

Тадбирда, шунингдек, кунчиқар ўлка – Японияндан келган ҳунармандлар ўз юртининг анъанавий кулолчилиги, унинг сир-синоати тўғрисида ҳамюртларимиз билан ўртоқлашдилар.

Қобил ХИДИРОВ.

Китоб жавонингизга

Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ёзувчи Асад Дилмуроднинг "Паҳлавон Муҳаммад" номли романини ўқувчилар эътиборига тортиқ этди. Асар чин инсонийлик фазилатлари ҳақида ҳикоя қилади. Романда XV асрда яшаб ўтган Мир Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро ва Паҳлавон Муҳаммад каби тарихий шахсларнинг ҳаёт йўли, ички дунёси ва улар ўртасидаги дўстлик воқеликлар орқали акс эттирилган.

Комил инсон қиссаси

Асарнинг бош қаҳрамони Паҳлавон Муҳаммад тимсолида адиб комиллик йўли, садоқат ва вафо, жисмоний етуклик билан бирга маънавий куч-қудрат хислатларини улуғлайди. Бош қаҳрамоннинг тожу тахт учун кураш, адолатсизлик ва зулмат ичра умр кечириб ҳам ўз-ўзини енгиб яшаш (нафс ва адоватни енгиш назарда тутилмоқда)га қаттиқ интилгани кишини таъсирлантирмай қўймайди.

"Неча кундан бери тайинли туз тотмаган Паҳлавон егулик дарагини эшитиб ҳушёр тортди, қачонки Тўймон айвондаги сўрига чорлаб дастурхон тузаганда иштаҳаси карнай бўлиб кетди. Фақат... кўзини ўйнатаётган турли егуликларга қўл чўзгиси келмай номаълум нуқтага тикилиб ўтирди... Ниҳоят, корсон товоқдаги мошхўрдадан бир қошиқ олиб оғзига солди, ўлгурни ютмоқчи бўлиб ҳарчанд уринса ҳам ютолмади — туриб қолди томоғида. Сўнг бетига фотиҳа тортиб, чорпоядан тушди..."

Юқоридаги ҳолат Паҳлавоннинг мардикорлик қилиш учун борган еридаги тасвир. У оғир юмуш олдидан уй эгаси тортиқ қилган егуликни ҳарчанд оч бўлишига қарамай, ўзи билан бирга яшовчи дўсти — Алишернинг ҳам туз тотмагани ёдига тушиб, ейишдан воз кечади. Биргина шу жиҳатнинг ўзи асар бошидаёқ ўқувчида қаҳрамонга нисбатан ажиб илиқ туйғуларни уйғотади.

Маълум бўлишича, Паҳлавон Муҳаммад Алишер Навоийнинг тўрт асари — "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад", "Мажолис ун-нафоис", "Вақфия" ҳамда "Соқийнома"да, шунингдек, Зайниддин Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ" асарида тилга олинган бўлиб, ёзувчи ушбу битиклардаги тарихий далиллардан фойдаланган ҳолда қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, руҳий ҳолати орқали ўқувчи қалбига кириб боради. Айниқса, бош қаҳрамоннинг отаси тилидан кўчгувчи биргина сўз, яъни: "Ўзингда сочилма, ўзингда йиғил" деган доно ҳикмат бугунги ҳаётимизда ҳам асқотиши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, "Бузруквор", "Жон ичра жон", "Шоҳ қўйнидаги илон", "Ошиқлар", "Хотима" каби боблар китобхонда қизиқиш уйғотади.

Қисқаси, аждодлар хотираси, уларнинг халқларварлик, ботиний гўзаллик, мардлик ва адолатпешалик каби инсоний фазилатларидан баҳраманд бўлиш истагида бўлганларга "Паҳлавон Муҳаммад" романи мунтазир.

Муборак ОХУНОВА.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Тошкент вилояти ИИБ матбуот маркази хабар қилади

Жанжал қотилликка борди

Чирчиқ шаҳрининг Алишер Навоий кўчасида жойлашган Черков девори тагида аёл кишининг жасади ётганлиги тўғрисида шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига хабар тушди. Воқеа жойига етиб келган ходимлар марҳумнинг шахсини аниқладилар. У 1931 йилда туғилган Галина Шарипова бўлиб, ўткир тиғли жисмдан олган жароҳатлари туфайли вафот этганлиги маълум бўлди.

Олиб борилган тезкор чора-тадбирлар ушбу жиноятни яшаш ва ишлаш жойининг тайини бўлмаган Г.Ефрем содир этганлигини исботлади.

Шунингдек, қуйичирчиқлик Н.Саидаҳмат ва Р.Шамиллар Ўрта Чирчиқ тумани Ким Пен Хва номли фермерлар уюшмасида яшовчи танишлари И.Мусақулнинг уйида меҳмондорчиликка "зўр" бериб ўтирганларида жанжал чиқади. Муштига эрк берган Саидаҳмат маҳалладоши ва тенгқури Шамилни дўппослай кетади. Оғир тан жароҳати олган бўлса-да, Шамил касалхонага мурожаат қилмайди. Оқибатда у ўз уйида вафот этади.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Нобакор

Чинозлик А.Жўра Эски Тошкент қўрғонида яшовчи таниши А.Ваҳоб билан гап талашиб қолди. Оқибатда Жўра жаҳлини тия олмай, биродарига пичоқ суқиб, тан жароҳати етказди. Жабрланувчи дарҳол касалхонага ётқизилди. Зўравондан эса пичоқ ашёвий далил сифатида олинди.

Гиёҳванд ушланди

«Қорадори — 2006» тадбири давомида Олмалиқ шаҳар ИИБ ходимлари томонидан А.Александр гумонланиб ушланди. Унинг жомодони гувоҳлар иштирокида текширилганида, кўкимтир, ўткир ҳидли ўсимлик борлиги маълум бўлди. Экспертиза уни марихуана гиёҳвандлик моддаси эканлигини аниқлади. Оғирлиги 2 килограмму 450 грамм бўлган захриқотилни у нима мақсадда, қаердан олганлиги терговда ойдинлашади.

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА, журналист.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Бадиий академияси

Ўзбекистон Республикасининг техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти лауреатлари дипломи, гувоҳномаси ва кўкрак нишонининг энг яхши намунаси учун очиқ танлов эълон қилади.

Танлов ғолиби тақдирланади ва ОАВ орқали ёритилади.

Таклифлар 2006 йил 15 сентябргача қабул қилинади.
Манзил: Тошкент ш., Шароф Рашидов к., 40-уй.
Телефонлар: 153-34-07, 153-50-47.

РОССИЯНИНГ «НАРА» ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ «SOMO» ЗАВОДЛАРИ
РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН
ЁНИЛҒИ ҚУЙИШ МОСЛАМА (БЕНЗОКОЛОНКА)ЛАРИНИ СОТАДИ.

Мосламалар сифати сертификатланган ва тўлиқ кафолатланади.
Малакали мутахассислар томонидан ўрнатиб бериш таъминланади.
Тел: (99871)144-28-44, 144-28-11, 144-28-33, 189-65-53.

Российский линолеум
Производство
ЩекиноАзот г.Тула
Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

Textile Expo UZBEKISTAN
"Тўқимачилик маҳсулотлари, тўқимачилик саноати ускуналари ва технологиялари"
3-Марказий Осиё Халқаро кўргазмаси
Текстиль Экспо Ўзбекистон 2006
5-8 сентябрь
ЎЗЭКСПОМАРКАЗ, ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 20
Тел.: +(998 71) 113 01 80, Факс: +(998 71) 152 51 64
E-mail: textile@ite-uzbekistan.uz
Web: www.textileexpo.uz
www.ite-uzbekistan.uz
ITE UZBEKISTAN

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Давлат санъат музейи жамоаси раҳбар муовини Эркин Аюповга укаси
Эргаш АЮПОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорати ва жамоаси Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш кафедраси доценти Муҳайё Исманходжаевага падари бузруквор
РИХСИХЎЖА отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — С. Донийёров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 23456